

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШАЛИЕВА САОДАТ ТОХИРОВНА

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ
ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ
(Сурхондарё вилояти мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctoral of philosophy (PhD) in
Economic sciences**

Тошалиева Саодат Тохировна

Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини эконометрик баҳолаш ва уни
ривожлантириш истиқболлари (Сурхондарё вилояти мисолида).....3

Тошалиева Саодат Тохировна

Эконометрическая оценка потенциала субъектов малого предпринимательства
и перспективы его развития (на примере Сурхандаринской области)27

Toshaliyeva Saodat Toxirovna

Econometrik assessment of the potential of small businesses and prospects for its
development (in example of Surkhandarya region).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШАЛИЕВА САОДАТ ТОХИРОВНА

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ
ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Сурхондарё вилояти мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/1qt1289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Хатамов Очиқди Қурбонович, Иқтисодиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Досчанов Тангриберди Досчанович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мырзанов Бердак Жолдасбаевич, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)
Ётақчи ташкилот:	Қарши давлат университети


Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «1» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс (99862) 224-57-00; e-mail: info@urdu.uz


Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таъиниш мумкин 0225 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «15» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «15» ноябрь даги 20 рақамли реестр баённомаси).




И.С. Абдуллаев,
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Ш.Б. Рузметов,
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент


Б. Рузметов,
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш асосида илмий семинар раиси,
и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўпгина мамлакатларда кичик тадбиркорликка иқтисодий таъминловчи барқарор ривожланишни таъминловчи асосий манба сифатида қаралмоқда. Глобаллашув шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатлар иқтисодий ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, жаҳондаги барча компанияларнинг 90 фоизи, яратилаётган иш ўринларининг 70 фоиздан ортироғи, ЯИМнинг 50 фоизи кичик ва ўрта тадбиркорликка тўғри келмоқда¹. 2017 йил БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси 27 июни микро, кичик ва ўрта корхоналар куни деб эълон қилди ҳамда бу орқали глобал иқтисодий кичик ва ўрта бизнес субъектларини ўрни юқори даражада бўлишини эътироф этган². Бундан кўзланган мақсад, кичик ва ўрта тадбиркорликни жаҳон иқтисодиётига кўшган ҳиссаси ва барқарор ривожланишни таъминлашдаги ўрни, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун инвестициялар йўналтириш зарурлиги ҳақида жамотчиликни хабардор қилишдан иборатдир.

Жаҳонда БМТ маълумотларига кўра кичик корхоналар дунёдаги ўзгаришларга жавобан тез мослашувчан ҳисобланади, лекин молиявий етишмовчиликлар уларни иқтисодий муҳитнинг салбий таъсирларига нисбатан заиф қилиб қўяди. БМТнинг «2030 йил кун тартиби»да кичик тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматлар кўрсатиш эркинлигини таъминлаш энг муҳим вазифа сифатида қаралган ва бу вазифалар Барқарор ривожланиш мақсадларида ўз аксини топган.³ Аммо, бундай ижобий натижаларга эришишда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолаш усуллари тако-миллаштириш ва аниқ ривожлантириш бўйича мақсадли стратегик режалаштиришни тақозо этади. Шунингдек, ҳозирги кунда COVID-19 пандемияси дунё аҳолиси саломатлиги учун оғир оқибатларга олиб келган, шунингдек, жаҳон иқтисодиётига ҳалокатли таъсир кўрсатадиган глобал муаммолар юзага келаётган бир шароитда пандемиянинг бутун дунё тадбиркорлик фаоллигига кўрсатган таъсирини аниқ статистик маълумотларга асосланиб атрофлича баҳолаш долзарб масалалардан бири саналади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, ҳудудларда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини замонавий талаблар асосида оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, давлат ва хусусий шерикликни кенгайтириш, кичик тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш»⁴ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда кичик тадбиркорликнинг фаоллик даражасини баҳолаш

¹ Манба: <https://ach.gov.ru/upload/pdf/Covid-19-SME.pdf>.

² Манба: <https://www.un.org/humansecurity/agenda-2030>.

³ Манба: <https://www.un.org/humansecurity/agenda-2030>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

услугиётини такомиллаштириш, кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини эконометрик баҳолаш ва уни ривожлантиришнинг прогноз параметрларини қўллаган ҳолда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сонли, 2019 14 мартдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5718-сонли, «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли, «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сонли фармонлари, 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сонли, «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2844-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ва уни иқтисодий-математик моделлаштириш масалалари бўйича хориж ва МДХ мамлакатлари олимларидан Р.Лукас, П.Ромер, П.Мин, А.Портес, С.Хавиер, А.Чепуренко, С.Егорихина, Б.Салихов, В.Самойлов, Я.Сергиенко, Э.Фияксель, Н.Шубнякова, Н.Доронина, И.Чепляева, О. Пономаров, К. Аршақуни⁵ ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

⁵ Robert E. Lucas «On the mechanics of economic development» Journal of Monetary Economics 22 (1988) 3-42. North-Holland.; Romer P.M. Increasing Returns and Long-Run Growth// The Journal of Political Economy, October, 1986. — pp. 1002—1037.; Portes, A., Guarnizo, L. E., & Haller, W. J. (2002, April). Transnational entrepreneurs: An alternative form of immigrant economic adaptation. American Sociological Review, 67(2), 278–298.; Xavier, S. R., Kelley, D. J., Kew, J. D., Чепуренко А.Ю. Малое предпринимательство в социальном контексте / – М.: Наука, 2004. – 480 с.; Егорихина С. Ю. Предпринимательский потенциал населения региона//Экономика региона: проблемы и перспективы развития. № 1 (53). 2011. –42–50 с.; Салихов Б. В., Самойлов В. О. Частная собственность как социально-экономическая основа реализации предпринимательского потенциала//Финансы и кредит. № 15. 2006.; Сергиенко Я. В. и др. Предпринимательский потенциал: опыт и перспективы развития в России//Вестн. ОРЕЛГИЭТ. № 20. 2012. –3–8 с. http://old.orelgiel.ru/monah/1_20_11_12.pdf; Фияксель Э.А., Шубнякова Н.Г. и др. Эволюция понятия “предпринимательский потенциал”. Журнал Инновации № 9(215),2016. -48 с.; Доронина И.Э. Управление развитием предпринимательского потенциала мезоуровня. Дис.уч.ст.к.э.н. -М.: 2018.-72-78 с.; Чепляева И. Е. Предпринимательский потенциал: проблемы формирования и использования в российской экономике. Дис.

С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Ш.Юлдашев, Б.Рузметов, С.Салаев, Т.Дўстжанов, А.Югай, Т.Шодиев, Б.Ходиев, Б.Беркинов, О.Рихсимбоев, У.Иноятов, И.Жалолов⁶ ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларида кичик тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини эконометрик моделлаштириш ҳамда прогнозлашнинг илмий муаммолари ёритилган.

Кичик тадбиркорлик соҳасида амалга оширилган илмий-тадқиқотларга қарамасдан, кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолаш ва уни эконометрик моделлаштириш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги мазкур мавзуда чуқурлаштирилган илмий-услубий изланишлар амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини учинчи йўналиши «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» ҳамда Термиз давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-2 рақамли «Глобал иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини диверсификациялаш асосида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари суғориладиган ерларида экологик мувозанатни сақлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини эконометрик баҳолаш ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий бизнес моделни ишлаб чиқиш асосида тадбиркорлик салоҳиятининг таркибий тузилмалари тизимини ишлаб чиқиш;

аҳоли ўртасида ўтказилган анкета сўрови натижалари ҳамда статистик маълумотлар асосида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини ўртача геометрик усулда умумий интеграл индекслар, умумлашган баҳо кўрсаткичлари асосида баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

... к. э. н.: 08.00.07. Саратов, 1999. – 168 с.; Пономаров О. Системная модель предпринимателя и предпринимательской деятельности. Дис. ... к. э. н. -Москва, 2020. – 122 с.; Аршакуни К. Эконометрические моделирование генезиса и динамики малых новых предприятий. Дис. ... к. э. н. -Москва, 2020. – 72 с.

⁶ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 2002.-256 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.; Рузметов Б. Оптимизационные задачи многоагрегатных комплексов. Модели, методы решения, программные модули. - Т.: Фан, 2010.; Дўстжанов Т. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997.; Югай А.Б. Моделирование процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса.: Иқт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 2004.–22 б.; Шодиев Т.Ш., Ходиев Б.Ю. и др. Эконометрика. учеб. пособие. – Т.: “ Шарк” . 1999 -240 с. Беркинов Б.Б. Эконометрика. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2015 й. 34-39 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т., ТДИУ. 2000. - 138 б.; Рихсимбоев О.Қ. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш.: Иқт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 2002.-22 б.; Иноятов У.У. Ҳудудий тадбиркорлик фаолиятининг статистик усуллардаги таҳлили.: Иқт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 2018.12–17 б.; Жалолов И.Корхона иқтисодий салоҳиятининг статистик таҳлили қилиш усулларини такомиллаштириш.: Иқт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 2021.–14 б.

тадбиркорлик салоҳиятининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш механизмларини кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида такомиллаштиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш;

кўп вариантли эконометрик моделлар асосида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини барқарор ривожлантиришнинг келгусидаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари олинган.

Тадқиқот предмети Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ҳолатини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш ва эконометрик моделлаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, анализ ва синтез, экспертли баҳолаш усули, иқтисодий-статистик таҳлил, ижтимоий сўровномалар, регрессион ва корреляцион таҳлил, эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятини оширишда “тадбиркорлик салоҳияти” таърифи такомиллаштирилиб, иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий, сиёсий-институционал омиллар таъсири остида муайян натижага эришиш йўлида фойдаланилаётган ички ва ташқи тадбиркорлик салоҳиятининг таркибий тузилмалари такомиллаштирилган;

кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини ижтимоий сўровнома натижалари ва статистик маълумотлар асосида ўртача геометрик усулда умумий интеграл индекслар, умумлашган баҳо кўрсаткичлари асосида баҳолаш усули такомиллаштирилган;

тадбиркорлик салоҳиятининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг динамик индексларини ҳисоблаш ва индивидуал кўрсаткичлар индекси асосида кўп омилли эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

Сурхондарё вилояти кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини оширишнинг 2022–2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш бўйича ҳудудий бизнес модель ишлаб чиқилиб, унда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари баҳоланган;

тадбиркорлик салоҳиятининг ички ва ташқи таркибий тузилмаларини тадбиркорлик қобилиятлари, тадбиркорлик имкониятлари, ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва иқтисодий тизим ҳолати параметрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик салоҳиятининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилган;

кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг умумий индекси тақлиф этилган;

кичик бизнес субъектлари салоҳиятини эконометрик баҳолашни кузатувлар сонидан келиб чиққан ҳолда кўп сценарийли таҳлиллар амалга оширилган;

кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини оширишнинг асосий кўрсаткичлари эконометрик баҳоланган ва келгусида ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган ёндашув ва усуллар асосланганлиги таниқли иқтисодчи олимларнинг кичик тадбиркорлик салоҳиятига оид илмий-назарий қарашларини қиёсий ҳамда танқидий таҳлил қилиш, шунингдек кичик тадбиркорлик салоҳиятини моделлаштиришга оид илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, статистик маълумотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотлар расмий маълумотлари асосида шаклланганлиги ва уларнинг иқтисодий-статистик усуллар, эконометрик моделлаштириш ҳамда прогноз таҳлиллари асосида қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вилоятда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий стратегик давлат дастурлари ишлаб чиқишда, мавзуга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялардан республика ҳамда унинг ҳудудларида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашда, иқтисодиётга жалб этилмаган тадбиркорлик салоҳиятини аниқлашда ва фойдаланилмаган имкониятлардан унумли фойдаланишда, кичик тадбиркорлик корхоналари фаолиятини эконометрик моделлаштириш ва прогноз таҳлилларини амалга оширишда, шунингдек, назарий ва статистик маълумотлардан олий ўқув юртларида “Тадбиркорлик асослари”, “Эконометрика асослари”, “Статистика назарияси”, “Иқтисодий статистика”, “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш” фанлари бўйича ўқув адабиётлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини эконометрик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятини оширишда “тадбиркорлик салоҳияти” таърифи такомиллаштирилиб, иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий, сиёсий-институционал омиллар таъсири остида муайян натижага эришиш йўлида фойдаланилаётган ички ва ташқи тадбиркорлик салоҳиятининг таркибий тузилмалари такомиллаштириш тақлифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон Қарорининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг чора-тадбирлар дастурининг тегишли бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 17 августдаги 11/05-16-6924-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кичик тадбиркорликнинг ҳолати, унинг барқарор ривожланиш даражаси, кичик тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва кичик тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш имкониятини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларига жалб этилмаган тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш ва фойдаланилмаган имкониятлардан унумли фойдаланиш шарт-шароитларини кенгайтиришга имкон яратган;

кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини ижтимоий сўровнома натижалари ва статистик маълумотлар асосида ўртача геометрик усулда умумий интеграл индекслар, умумлашган баҳо кўрсаткичлари асосида баҳолаш усулини такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 мартдаги ПФ-5975-сонли “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг чора-тадбирлар дастурининг тегишли бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 17 августдаги 11/05-16-6924-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мамлакат ҳудудлари иқтисодиёти тадбиркорлик салоҳияти ривожланишини мажмуавий интеграл баҳолаш, турли туманлар тадбиркорлик салоҳияти ривожланиш динамикасини таққослама таҳлил қилиш, ҳудуд тадбиркорлик салоҳияти тузилмасидаги муаммоли жараёнларни аниқлаш, ҳудуд тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари самарадорлигини баҳолай олиш имкониятига эришилган;

тадбиркорлик салоҳиятининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг динамик индексларини ҳисоблаш ва индивидуал кўрсаткичлар индекси асосида кўп омилли эконометрик моделлари бўйича таклифлар Ўзбекистон савдо-саноат палатасига аъзо бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 17 августдаги 11/05-16-6924-сон маълумотномаси). Натижада вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳолати, иқтисодий барқарорликка эришиш даражасини эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш имконияти пайдо бўлган, шунингдек, 2021 йилда Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан янги 8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва 122,3 миллион сўм қўшимча даромад олишга эришилган;

Сурхондарё вилояти кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини оширишнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли прогноз параметрларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига аъзо бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат

палатасининг 2021 йил 17 августдаги 11/05-16-6924-сонли маълумотномаси). Мазкур прогноз натижалари Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этилганда 2025 йилда асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 22,4 фоизга, ишлаб чиқариш қувватини 19,8 фоизга ошириш имконияти пайдо бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий журналларда нашр этилган. Халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида талқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Кичик тадбиркорлик салоҳиятини ўрганишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида кичик тадбиркорлик салоҳиятининг моҳиятини очиб берувчи ёндашувлар умумлаштирилган, ушбу соҳадаги илғор хориж тажрибалари назарий жиҳатдан таҳлил этилган, ҳамда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланган қулай бизнес модели асосида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва унинг таркибий тузилмалари илмий таҳлил этилган.


“Тадбиркорлик” ва “тадбиркорлик салоҳияти” категорияларига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни чуқур таҳлилий ўрганиш асосида қуйидаги муаллифлик таърифи келтирилган:

тадбиркорлик- иқтисодий фаолият тури бўлиб, таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида муайян мақсадга эришиш йўлида (фойда олиш) технологик, тижорат ва ташкилий янгиликларни муваффақиятли жорий этиш орқали қийматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдир;

тадбиркорлик салоҳияти – иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий, сиёсий-институционал омиллар таъсири остида тадбиркорлар ва

жисмоний шахсларнинг муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муайян натижага эришиш йўлида фойдаланилаётган ички ва ташқи тадбиркорлик қобилиятлари, тадбиркорлик имкониятлари ҳамда ҳали фойдаланилмаётган тадбиркорлик захиралари йиғиндисини акс эттиради.

Муаллиф томонидан ҳудуд кичик тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг ҳудудий иқтисодиёт ушбу муҳим тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг қулай бизнес модели таклиф этилди (1-расм). Муаллиф фикрича, бизнес модел тадбиркорликни ривожлантириш тизими сифатида ўзининг ҳудудий бошқариш мақсади, объекти ва энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб олиши керак.



1-расм. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий бизнес модель⁷

⁷ Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

Худудларда кичик тадбиркорлик субъектларини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун иқтисодиётнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, худудий бизнес моделни самарали шакллантириш давлат даражасида қабул қилинган қарорларга сезиларли даражада боғлиқ. Бироқ худудий даражалар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида кенг ваколатларга эга бўлиши лозим.

Тадқиқот жараёнида мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрлари ҳамда жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг кўрсаткичлар тизими гуруҳларга ажратилди: табиий-демографик, ижтимоий-маданий, иқтисодий, сиёсий-институционал (2-расм). Ушбу интеграл иқтисодий кўрсаткичлар тизими алоқадорлигини умумий функция сифатида қуйидаги формула кўринишида ифодалаш мумкин:

$$SBP_e \rightarrow f[E_F \sum(M_d; A_d; E_c; M_p; T_p; I_{nl}; S_n; T_d; P_p; X_n) + N_d \sum(G_p; R_s; P_{op}; R_q; A_p; Q_{lr}; X_n) + I_F \sum(L_F; S_{pi}; I_{ss}; A_b; X_n) + S_c \sum(M_s; R_g; E_d; E_{xp}; S_v; X_n)] \quad (1)$$

Мамлакатдаги табиий-иқлимий ва демографик омиллар, унинг табиий-географик жойлашуви тадбиркорлик салоҳиятига бевосита таъсир қилади. Масалан, туризм учун қулай иқлимга эга худудларда мазкур соҳада тадбиркорлик олиб бориш учун имконият кўпроқ бўлади, шунингдек деҳқончилик учун иқлимнинг қулайлиги қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорлик юритишда ушбу худудда жойлашган аҳоли учун имкониятлар кенгроқ бўлиши мумкин. Табиий ресурслар билан таъминланганлик қадимдан мазкур худудда тадбиркорлик ривожланиши учун муҳим шарт-шароит сифатида қайд этилган.

Худудда табиий ресурсларнинг мавжудлиги унинг ушбу соҳада бошқа худудларга нисбатан табиий устунлигини таъминлайди. Аҳоли сонининг кўпайиши тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш имконига эга бўлган кишилар сонини ошишини таъминласа, унинг таркибида иқтисодий фаол аҳолининг юқорилиги ўз навбатида мазкур худуд тадбиркорлик салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Табиий ресурслар миқдори ва сифати ҳам муҳим, сифат бу ерда мазкур ресурсларнинг бозорда талаб юқорилиги билан белгиланади, масалан айрим мамлакатлар катта ер ресурсларига эга, аммо мазкур ерларнинг барчасидан ҳам деҳқончилик мақсадида фойдаланиш имкони бўлмаслиги мумкин (сув танқислиги, тупроқ эрозияси ва бошқ.). Жаҳон озиқ-овқат ташкилотининг маълумотларига кўра ер куррасининг 78 фоизи деҳқончилик қилиш ўта мушкул, 8 фоиз паст ҳосилдор, 6 фоиз ўртача ҳосилдор, 3 фоиз юқори ҳосилдор ерлар⁸.

Мамлакатдаги ахлоқий стандартлар, диний меъёрлар, аҳоли маълумот даражаси, кўникмалари, ишбилармонлик этикаси ҳам тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи муҳим омиллар саналади. Мамлакат ва унинг худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, бозор механизмлари ҳолати,

⁸ Манба: <http://www.fao.org/docrep/015/i2490e/i2490e01c.pdf>.

давлатнинг солиқ, пул-кредит сиёсати, аҳоли даромадлари, жамғармалари ҳажми, мамлакатдаги технологик ривожланиш ҳам тадбиркорлик салоҳитига бевосита таъсир этади. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилганлиги, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги, мулк кафолати, сиёсий институтлар ва институционал тузилма барқарорлиги ҳам тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи яна бир муҳим омиллардан биридир.



2-расм. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва кўрсаткичлар тизими⁹

Муаллиф амалга оширилган тадқиқотлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятига таъсир этувчи омилларни қуйидагича гуруҳлашни таклиф этган (3-расм). Бунда ички ва ташқи тадбиркорлик қобилиятлари муҳим саналади. Ички тадбиркорлик қобилияти инсонда туғма вужудга келган бўлса, ташқи тадбиркорлик қобилияти аста-секинлик билан ташқи муҳит таъсири остида шаклланиб боради. Мамлакат ёки унинг алоҳида худудларида кичик тадбиркорлик салоҳияти ривожланиши унинг аҳоли томонидан қандай қабул қилиниши, умумий профессионал таълим, тадбиркорликка оид билим ва кўникмалар, шунингдек, тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган худудий мажмуавий чора-тадбирлар билан белгиланади.

⁹ Манба: Жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.



3-расм. Тадбиркорлик салоҳиятининг таркибий қисмлари ¹⁰.

¹⁰ Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг «Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий-статистик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Сурхондарё вилоятидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши иқтисодий статистик таҳлил қилинган, ижтимоий сўровнома натижалари ва статистик маълумотлар асосида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлиги ўртача геометрик усулда умумий интеграл индекслар, умумлашган баҳо кўрсаткичлари асосида баҳолаш усули такомиллаштирилган.

Худуд аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати, уларнинг тадбиркорлик фаоллиги ҳамда тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш мақсадида Сурхондарё вилоятининг турли худудларида 36 та саволлардан иборат сўровномалар ўтказилди. Тадқиқотда 1378 нафар респондент иштирок этди, уларнинг 48,7 фоизи аёллар, 51,3 фоизини эркеклар ташкил этди.

Шунингдек, респондентларнинг 14,5 фоизи шаҳарда жойлашган бўлса, 84,5 фоизи қишлоқ худудларда истиқомат қилади. Ижтимоий сўровномада 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган респондентлар иштирок этишди.

Вилоятнинг турли худудларида ўтказилган сўровномада турли маълумот даражасига эга респондентлар жалб этилди. Таълим даражасига назар ташлайдиган бўлсак, ўрта махсус маълумотга эга респондентлар (54,7 фоиз) олий маълумотлиларга нисбатан (34,7 фоиз) кўпчиликти ташкил этишини кўриш мумкин.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “кулай вазият тўғри келганда ўз бизнесингизни очишни хоҳлармидингиз?” - деган саволга сўровномада иштирок этганларнинг 20 фоиздан ортиғи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини билдиришган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларнинг демографик омиллар бўйича таҳлили кўрсатишича эркек ва аёллар ўртасида фарқланиш деярли бўлмаган (21,1% ва 20,7%), аммо ёш гуруҳлари бўйича сезиларли фарқланиш мавжуд. 30 ёшгача бўлган гуруҳда 22,8 фоиз, 41–55 ёш гуруҳида 24,8 фоиз респондентлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилганлигини кузатишимиз мумкин. Аксинча, 31–40 ёш ҳамда 55 ёшдан юқори респондентлар гуруҳида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада камроқ (12,5% ва 10,8 %). Назаримизда, ёшлардаги тадбиркорлик фаолиятида фаоллиги бир томондан уларнинг таваккалчиликка мойиллиги билан баҳоланса, иккинчи томондан ушбу демографик гуруҳ вакилларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлигидир. 41–55 ёш гуруҳлари тадбиркорлик соҳасида фаоллиги уларнинг бу соҳада тўплаган тажрибаси ва уни умалга ошириш учун зарур жамғармаси мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Демак, тадбиркорлик салоҳияти шаклланишида аҳолининг ёши, билим даражаси ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланар экан.

Респондентларнинг кўпчилиги қулай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тўсиқ бўлаётган асосий омилларга бошланғич маблағ етарли эмаслиги (46%) ҳамда тадбиркорлик фаолиятида турли бюрократик тўсиқларнинг юқори эканлигини кўрсатишган (19,9%). Бундан ташқари, айрим респондентлар тадбиркорликни бошлаш жараёнидаги асосий тўсиқлар сифатида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги билимлар етарли эмаслигини (11,5%), айримлари эса ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш қийинлигини (10,6 %) таъкидлашган.

Худуд аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабатлари (анкета сўровномалари асосида)¹¹

Қулай вазият тўғри келганда ўз бизнесингизни очишни ҳоҳлармидингиз? деган саволга респондентларнинг муносабати (% да)										
Омиллар	Жами	Жинси		Ёш бўйича гуруҳлар				Маълумоти		
		аёл	эркак	30 ёшгача	31-40 ёш	41-55 ёш	55 ёшдан юқори	Ўрта (туғаллам аган ўрта)	Ўрта маҳсус	Олий
Ўз бизнесим бор	20,9%	20,7%	21,1%	22,6%	12,5%	24,3%	10,8%	10,0%	17,6%	23,8%
Ҳа, ҳоҳлардим	70,4%	69,8%	71,0%	67,9%	80,0%	67,4%	78,4%	50,0%	72,1%	69,6%
Ҳечдан кўра кеч бўлсаям яхши эди	7,1%	8,4%	5,9%	6,8%	6,7%	7,1%	10,8%	40,0%	8,0%	5,6%
Йўқ, ҳоҳламайман	1,6%	1,2%	2,0%	2,6%	0,8%	1,1%	0,0%	0,0%	2,3%	1,1%
	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%

Сўралганларнинг 8,1% и солиқлар жуда юқорилигини сабаб қилиб кўрсатишган. 30 ёшгачаларнинг 61,0 % и бошланғич маблағ етарли эмаслигини айтиб ўтишган. Албатта, ушбу омиллар ҳам қандайдир маънода тадбиркорлик фаолиятини бошлашда таъсирга эга бўлиши мумкин, лекин индивиднинг шахсий тавсифи: ўзига бўлган ишонч, тадбиркорлик қобилиятлари энг муҳимларидан саналади.

Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижавийлигини баҳолаш тўлиқлиги ва етарлилигини таъминлаш, муайян дастурлар самарадорлиги ва уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришда қўшган ҳиссасини баҳолашда кичик тадбиркорлик салоҳияти ҳолатини ва ривожланишини акс эттирувчи интеграл индекслардан фойдаланишнинг аҳамияти юқоридир. Муаллиф фикрича, худудларда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолаш бўйича ягона услубият ва ёндашувлар мавжуд эмаслиги ушбу соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, худудий давлат дастурлари амалда қандай самара бераётганлигини аниқлаш имкониятини камайтиради.

Диссертацияда худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини натижавийлигини баҳолашда уларни тавсифлайдиган қуйидаги кўрсаткич ва мезонлар такомиллаштирилган:

аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир қилувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар хусусиятлари;

аҳолининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги;

кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳити тавсифи;

кичик тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш хусусиятлари.

¹¹ Манба: Жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг натижавийлигини баҳолаш мезонлари¹²


Асосий кўрсаткичлар		Кўрсаткичларни ҳисоблаш тамойиллари
А-Худуд аҳолисининг тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар тавсифи Ig.c.		
Худуднинг маҳаллий даромадлари индекси	A1	LB R= LBR/ LBC бу ерда: LBR- маҳаллий бюджет даромадлари; LBC- маҳаллий бюджет харажатлари
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар ҳажми	A2	APK=GRP/Pn бу ерда: GRP-ЯХМ; Pn- аҳоли сони
Ишсизлик даражаси индекси	A3	UR=Un/Pea бу ерда: Un-ишсизлар сони; Pea- иқтисодий фаол аҳоли
Худуд аҳолисининг тадбиркорлик жамоаси билан алоқадорлиги индекси (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	A4	BCcom=Bmk /Gsk Bmk -Барқарор ривожланишга эга тадбиркорлар билан алоқаси мавжуд шахслар сони; Gsk-умумий сўровнома ўтказилганлар сони
Шахсининг ўз тадбиркорлик қобилиятига баҳо бериш индекси (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	A5	Sas.ea = Sknw/Gsk бу ерда: Sknw-Тадбиркорлик қобилиятига юқори баҳо берувчи аҳоли улуши; Gsk-умумий сўровнома ўтказилганлар сони
Тадбиркорлик муваффақиятсизлигидан кўрқини индекси (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	A6	B of.f=100-o.f.f n/Gsk бу ерда: o.f.fn- тадбиркорлик муваффақиятсизлигидан кўрқувчи аҳоли улуши; Gsk-умумий сўровнома ўтказилганлар сони
А- Худуд аҳолисининг тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар индекси		
$I g . c = \sqrt[6]{I l b r_{1.1} \times I a p k_{1.2} \times I u r_{1.3} \times I b c . c o m_{1.4} \times I s a s . e_{1.5} \times I b o f . f_{1.6}}$		
В- Аҳолининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга тайёрлиги Ir.e.a		
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (1000 та аҳолига нисбатан) индекси	B1	SBnpc=SBn/Pn бу ерда: SBn-кичик тадбиркорлик субъектлари сони; Pn- аҳоли сони
Битта кичик тадбиркорлик (КТ) субъекти ҳисобига тўғри келадиган солиқ тушумлари ҳажми индекси	B2	SBtrf=Trf/Sbn бу ерда: Trf-солиқ тушумлари ҳажми; SBn-кичик тадбиркорлик субъектлари сони
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ тушумлари ҳажми индекси	B3	Ptrf=Trf/Pn бу ерда: Trf- солиқ тушумлари ҳажми; Pn- аҳоли сони
Давлат бюджетидан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун қилинган мақсадли харажатлар индекси	B4	SBst.bte=St.b exp+targ.exp бу ерда: St.b exp- давлат бюджети харажатлари; targ.exp- мақсадли харажатлар
Давлат томонидан қўллаб-қувватланган кичик тадбиркорлик субъектлари улуши	B5	SBgovsup=SBsup /SBn бу ерда: SBsup-қўллаб-қувватланган КБ субъектлари сони; SBn-КТнинг умумий сони
Кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурслари, микрокредитлар билан таъминланганлик даражаси	B6	SBmcr.res=Mcr.res/SBn бу ерда: Mcr.res-КТни кредитлаш ҳажми; Sbn-КТ субъектлари сони
В- Худуд аҳолисининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга тайёрлиги индекси (Ir.e.a)		
$I r . e . a = \sqrt[6]{I s b . n p c_{2.1} \times I s b t r f_{2.2} \times I p t r f_{2.3} \times I s b . s . b t_{2.4} \times I s b . g o v s u p_{2.5} \times I s b m c r . r_{2.6}}$		
С- Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳити тавсифи Ibus.act		
КТ субъектларининг “туғатилиш” коэффициенти	C1	SBlqd=Lqd/SBn бу ерда: Lqd- туғатилган КТ субъектлари сони; SBn-умумий КТ субъектлари сони
КТ субъектларининг “ташқил этилиш” коэффициенти	C2	SBnr=Nr/SBn бу ерда: Nr-янгидан ташқил этилган КТ субъектлари сони; SBn-умумий КТ субъектлари сони
Янгидан ташқил этилган ва туғатилган КТ субъектлари нисбати коэффициенти	C3	SBnr.lqd=Nr/Lqd бу ерда: Nr-янгидан ташқил этилган; Lqd- туғатилган КТ субъектлари сони

¹² Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун старли билим ва кўникмаларга эгаллиги (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	C4	$SBskn.s=Skn.s/GSK$ Бу ерда: $Skn.s$ – ўзини тадбиркорлик бўйича билим ва тажрибага эгаман деб ҳисобловчи аҳоли улуши; Gsk - умумий сўровнома ўтказилганлар сони
Ўз тадбиркорлигини бошлаш истагини билдирган аҳоли улуши (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	C5	$SBper.p.st = Sp.e.act/ GSK$ $Sp.e.act$ -яқин уч йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ният қилган аҳоли улуши; GSK -умумий аҳоли сони
C-Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳитини тавсифловчи индекс (Ibus.act) $Ibus.act = \sqrt[4]{Isbqd_{3.1} \times Isbnr_{3.2} \times Inr.lqd_{3.3} \times Iskn.s_{3.4} \times Isbper.p.st}_{3.5}$		
D-Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш хусусиятлари Id.e.p		
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган КТ асосий капиталга инвестициялар ҳажми индекси	D1	$SBin.m.c.pop.=SBin.m.cap/Pn$ бу ерда: $SBin.m.cap$ -КТнинг асосий капиталга инвестициялар ҳажми; Pn -аҳоли сони
Умумий корхоналар сонига нисбатан КТ субъектлари улуши индекси	D2	$SBgen.ent=SBn/Gen$ бу ерда: SBn -КТ субъектлари сони; Gen -умумий корхоналар сони
Кичик тадбиркорликда банд битта аҳоли сонига тўғри келадиган КТ айланмаси ҳажми индекси	D3	$SBwor.cap.pop.=WK/SBwn$ бу ерда: WK -КТ айланмаси ҳажми; $SBwn$ -КТда ўртача иш билан бандлар сони
Битта кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобига тўғри келадиган КТ ўртача айланмаси ҳажми индекси	D4	$SBwor.cap=WK/SBn$ бу ерда: WK -КТ айланмаси ҳажми; SBn -кичик тадбиркорлик субъектлари сони
КТ асосий капиталга инвестицияларнинг битта кичик тадбиркорлик субъектига тўғри келадиган қисми индекси	D5	$SBin.m.c.o.sb=SBin.m.cap/SBn$ бу ерда: $SBin.m.cap$ - КТ асосий капиталга инвестициялар; SBn -КТ субъектлари сони
D-Худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш индекси (Id.e.p) $Id.e.p = \sqrt[5]{Isb.i.m.c.p_{4.1} \times Isbgen.ent_{4.2} \times Isb.w.c.pop_{4.3} \times Isb.w.cap_{4.4} \times Isb.i.m.k_{4.5}}$		
Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг умумий индекси Isbe.ef = $\sqrt[4]{Ig.c_1 \times Ir.e_2 \times Ib.a_3 \times Id.e_4}$		

Ушбу услубиятга асосланиб кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашни назарда тутувчи тўртта алоҳида ўзгаришли кўрсаткичлар индексини ўртача геометрик усулда ҳисобланадиган индекслар жамланмасидан иборат умумий интеграл индекс таклиф этилди (2-жадвал).

Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳоловчи умумий индексга эътибор қаратадиган бўлсак, статистик кузатув олиб борилаётган йиллар давомида индекс натижалари деярли барқарор ҳолатда сақланиб қолган (4-расм).



4-расм. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг умумий индекси ўзгариши¹³

2017 йилда умумий индекс натижалари 1,188 кўрсаткичга тенг бўлган бўлса, 2018 йилда 1,272 кўрсаткични ташкил этиб, кузатилаётган йиллар давомидаги барқарор ўсиш ҳолатини акс эттирган. 2019 йилга келиб ушбу

¹³ Манба: ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

ҳолат пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 1,087 га, 2020 йилда эса мос равишда 1,031 кўрсаткичга тенг бўлган.

Ҳудудда барқарор ва ўртача барқарор ҳолат акс этган. Бунга сабаб йиллар давомида кичик тадбиркорлар сони ошиши сотув ҳажми кўпайишига, янги иш ўринларининг яратилишига, асосий капиталга инвестициялар ҳажми ошишига олиб келган. Юқорида келтирилган мезонлар асосида қабул қилинган кўрсаткичлар қиймати бўйича Сурхондарё вилоятининг кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ривожланиш даражаси ўрганилган йиллар бўйича баҳолаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Сурхондарё вилояти бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ривожланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичи¹⁴

	Мезонлар	Кўрсаткич	2017		2018		2019		2020	
			Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони	Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони	Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони	Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони
1	Ҳудуд аҳолисининг тадбиркорлик фаолиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришига таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар тавсифи	KIg.c	1,206	2	1,132	1	1,017	1	1,061	1
2	Ҳудуд аҳолисининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишига тайёрлиги	KIг.e.a	1,137	1	1,217	2	1,257	2	0,993	1
3	Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳити тавсифи	KIbus.act	1,182	1	1,009	1	1,127	1	1,078	1
4	Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш хусусиятлари	KIIsbe.ef	1,164	1	1,836	2	1,725	2	0,986	1
Умумий коэффициентлар			1,171		1,313		1,255		1,028	
Баллар сони				5		6		6		4

